



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616-006.6:616-036.22(575.1)"2020/2024"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁМОН СИФАТЛИ ЎСМАЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАХЛИЛИ (2020–2024 йй.)

Ёдгоров Ўткиржон Абдулло ўғли

ORCID: 0000-0001-6710-9017

+998900384438 utkiryadgorov@gmail.com

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги кўмитаси

Рахманова Жамила Амоновна

ORCID:0000-0002-9730-7353

jamila.rakhmanova@gmail.com

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази



РЕФЕРАТ

Ёмон сифатли ўсмалар глобал ва миллий соғлиқни сақлаш тизимида муҳим тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. 2020–2024 йиллар давомида онкологик касалланиш изчил ўсиш тенденциясини намоён этди. Барча йилларда аёлларда касалланиш улуши устун бўлса-да, бу фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмади. Ёш динамикаси касалликнинг асосан 50–64 ёшда энг юқори нуқтага етиши, 65 ёшдан кейин эса пасайишини кўрсатди. Анатомик таҳлилга кўра, энг кўп учрайдиган соҳалар оғиз бўшилиги ва халқум, юқори ва пастки нафас йўллари ва репродуктив органлар ҳисобланди.

Калит сўзлар: ёмон сифатли ўсмалар, эпидемиология, гендер таҳлил, ёш динамикаси, анатомик соҳа, оғиз бўшилиги саратони, репродуктив органлар, профилактика.

РЕФЕРАТ

Злокачественные новообразования являются важной медико-социальной проблемой глобальной и национальной систем здравоохранения. В период 2020–2024 годов наблюдалась устойчивая тенденция роста онкологической заболеваемости. Во все годы доля заболеваемости у женщин была выше, однако данная разница не имела статистической значимости. Возрастная динамика показала, что пик заболеваемости приходится на возраст 50–64 года, после 65 лет наблюдается снижение. Согласно анатомическому анализу, наиболее часто поражаемыми локализациями являются полость рта и глотка, верхние и нижние дыхательные пути, а также репродуктивные органы.

Ключевые слова: злокачественные новообразования, эпидемиология, гендерный анализ, возрастная динамика, анатомическая локализация, рак полости рта, репродуктивные органы, профилактика.

ABSTRACT

Malignant neoplasms represent a significant medical and social problem within both global and national healthcare systems. During the period of 2020–2024, a steady increasing trend in cancer incidence was observed. In all years, the proportion of cases among females was higher; however, this difference was not statistically significant. Age dynamics demonstrated that the peak incidence occurs at 50–64 years, followed by a decline after the age of 65. According to anatomical



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

analysis, the most frequently affected sites include the oral cavity and pharynx, upper and lower respiratory tracts, and reproductive organs.

Keywords: *malignant neoplasms, epidemiology, gender analysis, age dynamics, anatomical site, oral cancer, reproductive organs, prevention.*

КИРИШ.

Дунё миқёсида ва Ўзбекистонда онкологик касалликлар, жумладан саратон билан касалланиш ҳолатлари йилдан-йилга барқарор ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2022 йилда дунё бўйича янги аниқланган саратон ҳолатлари сони 20 миллионни ташкил этган бўлиб, шу даврда 9,7 миллион киши ушбу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Бу дегани, саратон касаллиги ўлим сабаблари орасида юрак-қон томир касалликларидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳар бешинчи инсон умри давомида онкологик касалликка дуч келади. Сўнгги йилларда “саратоннинг ёшариши” кузатилмоқда, яъни меҳнатга лаёқатли ёшдаги (40–69 ёш) аҳоли орасида касалланиш ҳолатлари ортиб бормоқда [1; 5; 7; 8; 9].

Касалланиш даражасининг башоратларига кўра, 2045 йилга келиб онкологик касалликларнинг янги ҳолатлари 32,6 миллионга, ўлим ҳолатлари эса 16,9 миллионгача ошиши мумкин. Ушбу ҳолатлар онкологик касалликларни глобал соғлиқни сақлаш тизими учун энг долзарб муаммолардан бирига айлантирмоқда. Ўзбекистонда ҳам саратон касаллиги аҳоли саломатлигига жиддий таҳдид солувчи асосий патологиялар қаторига киради. Мамлакатимизда онкологик касалликлар сонининг ўсиши жаҳонда кузатилаётган умумий тенденция билан уйғун ҳолда ривожланиши кутилмоқда. Бу жараён бир қатор омиллар билан изоҳланади, жумладан аҳоли сонининг ўсиши, ўртача умр кўриш давомийлигининг узайиши, шунингдек, эрта аниқлаш мақсадида скрининг дастурларининг босқичма-босқич кенг жорий этилиши. Шу билан бирга, экологик омиллар, турмуш тарзи ўзгаришлари ва хавф омилларининг кўпайиши ҳам касалланиш кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатмоқда [2; 6; 11].

Касалликнинг пайдо бўлишидаги хавф омилларининг тахминан 37,8% қисми олдини олиш мумкин бўлган омиллар билан боғлиқ: чекиш (15,1%), инфекциялар (10,2%), алкоголь истеъмоли (3,2%), семириш ва жисмоний фаолликнинг пастлиги [3; 4; 10].

Онкологик касалликлар иқтисодий жиҳатдан ҳам катта юк ҳисобланиб, уларни ташхислаш, узоқ муддатли даволаш ва реабилитация катта маблағ талаб қилади. Ушбу муаммога қарши курашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: профилактика ва эрта аниқлаш (скрининг дастурлари орқали ўлимни камайтириш), инновацион даволаш



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

усуллари (иммунотерапия, таргет терапия, фотодинамик терапия), шунингдек аҳолининг тиббий хабардорлигини ошириш ва тиббий ёрдамга эрта мурожаат қилиш даражасини кўтариш.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йиллар оралиғида рўйхатга олинган ёмон сифатли ўсма касалликлари эпидемиологиясини ўрганишдан иборат бўлди.

МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАР.

Ушбу тадқиқот ретроспектив, дескриптив-аналитик популяцион тадқиқот дизайнига асосланган бўлиб, 2020–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ёмон сифатли ўсма касалликларининг эпидемиологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Тадқиқотда мамлакат бўйича расмий онкологик рўйхатга олиш маълумотлари, тиббий статистик ҳисоботлар ҳамда онкологик диспансерлар маълумотлари таҳлил қилинди. Жами кузатув даврида қайд этилган ёмон сифатли ўсма ҳолатлари таҳлил объекти сифатида олинди.

Тадқиқотда асосий эътибор демографик ва клиник-эпидемиологик кўрсаткичларга қаратилди. Жумладан, беморларнинг жинси (эркак ва аёл), ёш гуруҳлари (0–19, 20–34, 35–49, 50–64, 65 ва ундан юқори), касалланишнинг йиллар кесимида динамикаси, шунингдек анатомик соҳалар бўйича тақсимланиши ўрганилди.

Маълумотларни қайта ишлашда дескриптив статистик усуллар қўлланилди. Унга кўра мутлақ кўрсаткичлар, фоиз улушлари ҳамда динамик ўсиш тенденциялари ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек, ёш ва жинс бўйича стратификация қилинган таҳлил амалга оширилди. Жинслар ўртасидаги фарқ, ёш гуруҳлари орасидаги фарқ ҳамда йиллар давомидаги ўзгаришлар қийматли таҳлил асосида баҳоланди. Статистик аҳамиятлилиқ Р-қиймат орқали баҳоланиб, $P > 0,05$ бўлган ҳолларда фарқ ишончли эмас деб қабул қилинди.

Маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида уларни бир неча манбалар бўйича солиштириш, такрорий текширув ва аномал қийматларни чиқариб ташлаш усуллари қўлланилди. Шу орқали таҳлил натижаларининг илмий асосланганлиги ва ишончилиги таъминланди.

Умуман олганда, қўлланилган тадқиқот дизайни ва усуллари ёмон сифатли ўсмаларнинг ёш, жинс ва анатомик локализация бўйича тарқалиш қонуниятларини комплекс равишда баҳолаш имконини берди ҳамда касалланишнинг асосий тенденцияларини аниқлашга хизмат қилди.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича 6116 та ҳолат кузатилган, уларнинг 64,5% (3943) ни аёллар ҳамда 35,5% (2173) эркаклар ташкил қилди ҳамда ёмон сифатли ўсма касалликлари билан касалланиш бўйича гендер фарқ кузатилмади ($P>0,05$). 2021 йилда касалланиш 7191 та ҳолат рўйхатга олинди, уларнинг 63,7% (4584) аёллар, 36,3% (2607) эркаклар ташкил қилди. 2022 йилга келиб ўсма касалликлари билан касалланиш ҳолати 7330 та ҳолатга кўтарилди, уларнинг 63,9% (4683) аёллар ҳамда 36,1% (2647) эркаклар ташкил қилди. Кейинги йилларга келиб ҳам касалланиш ҳолатлари кўтарилди, жумладан 2023 йилда 7430 та ҳолат, уларнинг 64,3% (4778) аёллар ҳамда 35,7% (2653) эркаклардан иборат бўлди. 2024 йилга келиб 7871 та ҳолат кузатилди – 65,0% (5116) аёллар ва 35,0% (2755) эркаклар (1-расм).

Тақдим этилган 2020–2024 йиллар бўйича маълумотлар таҳлили Ўзбекистон Республикасида ёмон сифатли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичларининг барқарор ўсиш тенденциясини намоён этди. Кузатилган давр мобайнида умумий ҳолатлар сони 6116 тадан 7871 тагача ошган бўлиб, бу онкологик касалликлар юқининг ортиб бораётганини кўрсатади. Бу динамика касалланишнинг узлуксиз ортиб бораётганини, айниқса сўнгги йилларда ўсиш суръатлари юқори эканлигини кўрсатади.

Жинслар кесимида таҳлил қилинганда, барча йилларда аёллар улуши устун бўлиб қолмоқда. Аёллар улуши 63,7% дан 65,0% гача ўзгариб турган бўлса, эркаклар улуши 35,0–36,3% оралиғида сақланиб қолган. Бироқ, статистик таҳлил натижаларига кўра, жинслар ўртасидаги ушбу фарқ ишончли эмас ($P>0,05$), яъни гендер омил мустақил хавф омилли сифатида аҳамиятли даражада тасдиқланмаган.

Касалланишнинг умумий ўсиши эса қатор демографик ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Жумладан, аҳоли сонининг ортиши, ўртача умр давомийлигининг узайиши, шаҳарлашув жараёнлари, экологик омиллар ва турмуш тарзидаги ўзгаришлар (ноқонуний овқатланиш, кам жисмоний фаоллик, зарарли одатлар) муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, диагностика усуллариининг такомиллашиши ва скрининг дастурларининг кенг жорий этилиши ҳам аниқланган ҳолатлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, йиллар давомида жинслар улушидаги нисбатан барқарорлик кузатилиши, касалланишнинг умумий механизмлари ҳар икки жинс учун ҳам ўхшаш эканлигини кўрсатади. Яъни, гендер фарқ мавжуд бўлса-да, у статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ва асосий эътибор умумий хавф омилларига қаратилиши лозим.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Хулоса қилиб айтганда, 2020–2024 йиллар мобайнида Ўзбекистонда ёмон сифатли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Аёлларда нисбатан юқори улуш қайд этилган бўлса-да, гендер фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Ушбу ҳолатлар онкологик касалликларни эрта аниқлаш, профилактика ва скрининг дастурларини янада такомиллаштириш, шунингдек аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш зарурлигини кўрсатади.

Йиллар кесимида гендер фарқ ўрганилганида, 2020 йилда барча ёш гуруҳларида ёмон сифатли ўсма касалликлар ҳолатлари аёлларда эркакларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Умумий ҳисобда аёллар улуши қарийб 1,8 баробар устунликни ташкил этади. Ёш динамикасига эътибор қаратилганда, 0–19 ёш гуруҳларида касалланиш кўрсаткичлари паст бўлиб, жинслар ўртасида катта фарқ кузатилмади. Бироқ 20 ёшдан бошлаб аёллар орасида касалланиш ҳолатлари кескин ортиб борди. Айниқса, 20–34 ёш гуруҳида аёллар кўрсаткичи эркакларга нисбатан бир неча баробар юқори эканлиги қайд этилди. Касалланишнинг энг жадал ўсиши 35–49 ёш оралиғида кузатилиб, бу даврда аёллардаги кўрсаткичлар эркакларникидан 4–6 баробаргача юқори бўлди. 55–59 ёш оралиғидаги аёлларда 2020 йилдаги энг юқори (655) касалланиш даражаси кузатилди. Эркаклар орасида энг юқори касалланиш даражаси 2020 йилда 60–64 ёшга тўғри келди, 65 ёшдан кейин касалланиш кўрсаткичлари ҳар икки жинсда ҳам пасайиш тенденциясини намоён этди. Шу билан бирга, ушбу ёш гуруҳларида жинслар ўртасидаги фарқ камайиб, айрим ҳолатларда деярли тенглашди ёки эркаклар улуши нисбатан ортиши кузатилди. Эркакларда эса касаллик кўпроқ катта ёшда намоён бўлиши кузатилди. Шу тариқа, таҳлил натижалари касалланиш ёшга боғлиқ равишда ортиб, 50–64 ёшда энг юқори даражага етишини ҳамда аёлларда 20–64 ёш оралиғида сезиларли устунлик мавжудлигини кўрсатди (2-расм).

2021 йилда ҳам ёмон сифатли ўсма касалликлари билан касалланиш даражаси барча ёш гуруҳлари кесимида аёлларда эркакларга нисбатан анча юқори. Умумий ҳисобда аёллар улуши сезиларли даражада устунлик қилди. Ёш гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда, 0–19 ёш оралиғида касалланиш кўрсаткичлари паст бўлиб, жинслар ўртасида катта фарқ кузатилмади, аммо айрим гуруҳларда (айниқса 5–17 ёш) аёлларда биров устунлик мавжуд. 20 ёшдан бошлаб касалланиш кўрсаткичлари ҳар икки жинсда ортиб борди, лекин аёлларда бу ўсиш анча тез ва юқори даражада намоён бўлди. Айниқса, 30–34 ёш гуруҳидан бошлаб аёлларда кескин сакраш кузатилди (25 га нисбатан 147 ҳолат), бу эса жинслар ўртасидаги фарқни янада кучайтирди. Касалланишнинг энг юқори даражаси 40–64 ёш оралиғида қайд



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

этилган бўлиб, бу давр чўкки босқич ҳисобланади. Хусусан, 50–64 ёш гуруҳларида кўрсаткичлар максимал қийматларга етди (эркакларда 192–567, аёлларда 683–755). Бу ёш даврида ҳам аёллар улуши устунлигича қолди. 65 ёшдан кейин касалланиш кўрсаткичлари ҳар икки жинсда пасайиш тенденциясини кўрсатди. Шу билан бирга, жинслар ўртасидаги фарқ аста-секин камайди. 70 ёшдан кейин айрим гуруҳ (70–74, 75–79, 80–84) эркакларида кўрсаткичлар аёлларга нисбатан юқорироқ эканлиги кузатилди. Хулоса қилиб айтганда, касалланиш ёш ортиши билан прогрессив равишда ўсиб, 50–64 ёшда энг юқори нуктага етади. Аёлларда 20–64 ёш оралиғида сезиларли устунлик сақланиб қолади, қарилик даврида эса жинслар ўртасидаги фарқ камайиб, айрим ҳолатларда эркаклар улуши юқорилаши мумкин. 2022 йилда ҳам касалланиш кўрсаткичларининг ёш ва жинсга боғлиқ равишда аниқ фарқланишини кўрсатди. Умуман олганда, барча ёш гуруҳларида аёллар улуши эркакларга нисбатан юқори эканлиги қайд этилди. 0–19 ёш гуруҳларида касалланиш ҳолатлари паст бўлиб, жинслар ўртасида катта фарқ кузатилмади. Фақат айрим гуруҳларда (10–17 ёш) аёлларда бироз устунлик мавжуд. 20 ёшдан бошлаб касалланиш кўрсаткичлари ҳар икки жинсда ортиб борди, бироқ аёлларда бу ўсиш анча жадал кечди. Айниқса, 25–39 ёш оралиғида аёлларда кескин ўсиш кузатилиб, жинслар ўртасидаги фарқ янада ошди (масалан, 30–34 ёшда 28 га нисбатан 122, 35–39 ёшда 37 га нисбатан 224). 40–64 ёш гуруҳи касалланишнинг энг юқори даражаси билан характерланди. Жумладан, 40–44 ёшда (78 ва 382), 45–49 ёшда (134 ва 565), 50–54 ёшда (217 ва 696), 55–59 ёшда (333 ва 725) ҳамда 60–64 ёшда (538 ва 784) кўрсаткичлар максимал қийматларга етди. Ушбу даврда ҳам аёллардаги касалланиш эркакларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлиб қолди. 65 ёшдан кейин касалланиш кўрсаткичлари пасайиш тенденциясини намоён этди. Шу билан бирга, жинслар ўртасидаги фарқ камайди: 65–69 ёш гуруҳида кўрсаткичлар деярли тенглашди (499 ва 518). Кейинги ёш гуруҳларида (70 ёшдан юқори) эса эркакларда кўрсаткичлар нисбатан юқорироқ бўлиши кузатилди. 2023 йилда ўсма касалликлари билан касалланиш даражаси ҳам олдинги йилларшп ўхшаш бўлди. Умуман олганда, аёлларда касалланиш даражаси эркакларга нисбатан юқори эканлиги кузатилди. 0–19 ёш гуруҳларида касалланиш ҳолатлари нисбатан паст бўлиб, жинслар ўртасида катта фарқ кузатилмади. Айрим гуруҳларда (10–17 ёш) аёлларда бироз устунлик мавжуд, бироқ бу фарқ клиник аҳамиятли даражада бўлмади. 20 ёшдан бошлаб касалланиш кўрсаткичлари ҳар икки жинсда ортиб борди, лекин аёлларда ўсиш суръати анча юқори бўлди. Айниқса, 25–39 ёш оралиғида аёлларда кескин ўсиш қайд этилади, бу эса жинслар ўртасидаги фарқни яққол намоён қилди. 40–64 ёш гуруҳи



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

касалланишнинг энг юқори даражаси билан характерланади. Ушбу даврда кўрсаткичлар максимал қийматларга етди. Бу босқичда ҳам аёлларда касалланиш кўрсаткичлари эркакларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлди. 65 ёшдан кейин касалланиш кўрсаткичлари пасайиш тенденциясини кўрсатди. 65–69 ёш гуруҳида жинслар ўртасидаги фарқ деярли тенглашди (569 ва 589). Кейинги ёш гуруҳларида (70 ёшдан юқори) эркакларда касалланиш кўрсаткичлари аёлларга нисбатан юқорироқ бўлиши кузатилди (3-расм). 2024 йилда ҳам ўсма касаликларининг учраш даражаси ёшга ва жинсга боғлиқ аниқ қонуниятларини кўрсатди. Аввало, 0–19 ёш гуруҳларида касалланиш ҳолатлари жуда кам миқдорда қайд этилган. 20–34 ёш оралиғида касалланиш ҳолатлари пайдо бўла бошлади ва аста-секин ортиб борди. Бу даврда айрим ҳолатларда эркаклар ва аёллар кўрсаткичлари ўртасида катта фарқ кузатилмади, аммо айрим қаторларда аёлларда бироз устунлик намоён бўла бошлади. 35–49 ёш гуруҳида касалланиш сезиларли даражада ошди. Шу босқичдан бошлаб аёлларда кўрсаткичлар кўпинча эркакларга нисбатан юқори бўлиб борди. 50–64 ёш оралиғи энг юқори касалланиш даври ҳисобланади. Бу даврда аёлларда кўрсаткичлар анча юқори бўлиб, эркаклардан устунлик сақланди. 65 ёшдан кейин касалланиш кўрсаткичлари аста-секин пасайиш тенденциясини намоён этди. Шу билан бирга, жинслар ўртасидаги фарқ камайди. Хулоса қилиб айтганда, барча йилларда касалланиш кўрсаткичлари ёшга боғлиқ равишда изчил ортиб бориши аниқ кузатилди. Болалар ва ўсмирлар (0–19 ёш) гуруҳларида касалланиш даражаси жуда паст ёки деярли учрамади. Бу ўсма касалликлари асосан катта ёшда шаклланишини кўрсатди. 20 ёшдан бошлаб касалланиш ҳолатлари аста-секин ортиб борди, аммо энг жадал ўсиш 30–49 ёш оралиғида кузатилди. Айниқса, 35–49 ёш гуруҳлари касалланишнинг тез суръатларда ошиши билан характерланди. Барча йилларда энг юқори кўрсаткичлар 50–64 ёш оралиғида қайд этилган бўлиб, мазкур ёш даври касалланишнинг чўққиси ҳисобланди. Бу даврда максимал қийматлар кузатилиб, касаллик юки энг юқори даражага етди. 65 ёшдан кейин барча йилларда умумий пасайиш тенденцияси кузатилади. Шу билан бирга, ушбу ёш гуруҳларида жинслар ўртасидаги фарқ камайди ва айрим ҳолатларда эркаклар улуши нисбатан ошди. Жинслар кесимида таҳлил қилинганда, барча жадвалларда 20–64 ёш оралиғида аёлларда касалланиш кўрсаткичлари эркакларга нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди. Бу устунлик айниқса 30–59 ёш гуруҳларида яққол намоён бўлди ва кўп ҳолатларда бир неча баробаргача етди. Қарилик даврида эса (65 ёшдан кейин) жинслар ўртасидаги фарқ камайиб, айрим ҳолатларда эркаклар кўрсаткичлари устун бўлди. Ушбу тенденциялар аёлларда гормонал ва репродуктив омиллар, шунингдек профилактик



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

скрининг дастурларининг кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади. Эркакларда эса касаллик кўпроқ катта ёшда намоён бўлиши хос хусусият ҳисобланади. Шу тариқа, умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, касалланиш ёш ортиши билан прогрессив равишда ошади, 50–64 ёшда энг юқори даражага етади ва кейин пасайиш кузатилади. Аёлларда меҳнатга лаёқатли ёш даврида устунлик сақланиб, қарилик даврида жинслар ўртасидаги фарқ камайди. Кейинги босқичда биз, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ёмон сифатли ўсмаларнинг анатомик жойлашуви бўйича таҳлил қилдик, унга кўра 2020 йилда энг касалланиш ҳолатлари оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўллариининг ёмон сифатли ўсма касалликлари кузатилган (5073), кейинги ўринни простата ва жинсий олат раки, бачадон бўйни ва танасининг ўсма касаллиги, пастки нафас йўллари ва энг кам ануснинг ёмон сифатли ўсмаси рўйхатга олинган. Кейинги йилларда ҳам (2021-2024) аввало, оғиз бўшлиғи ва халқум соҳаси ўсмалари энг кенг тарқалган гуруҳлардан бирини ташкил қилди. Бу гуруҳга лаблар, тил, милк, оғиз бўшлиғи туби, танглай, оғизнинг бошқа аниқланмаган соҳалари, оғиз ва халқум қисмлари, ютқин ҳамда бурун-халқум кирди. Ушбу соҳалар ўсмалари асосан шиллиқ қават эпителийсидан ривожланган ва уларнинг шаклланишида ташқи муҳит омиллари, хусусан чекиш, алкоголь истеъмоли, овқатланиш хусусиятлари ҳамда вирусли инфекциялар (айниқса ВПЧ) муҳим патогенетик роль ўйнаган бўлиши мумкин. Иккинчи йирик гуруҳ юқори ва пастки нафас йўллари ўсмаларини ўз ичига олади. Бу ерда ҳиқилдоқ, бронх ва ўпка ўсмалари киритилган бўлиб, айнқса бронх ва ўпка саратони юқори учраш даражаси билан характерланди. Учинчи гуруҳни ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ бўлиб, анус соҳасидаги ўсмаларни ўз ичига олган. Тўртинчи гуруҳни аёллар жинсий органлари, яъни бачадон бўйни, бачадон танаси ва тухумдон ўсмалари қамраб олган бўлса, бешинчи ўринни эркаклар жинсий органларидан простата беи ва жинсий олат ўсмалари ўз ичига олган. Бачадон бўйни саратони ВПЧ билан кучли боғлиқ бўлиб, скрининг дастурлари орқали эрта аниқлаш ва профилактика имкониятлари юқори ҳисобланади.

Шундай қилиб, таҳлил натижалари ёмон сифатли ўсмаларнинг турли орган ва тизимларда ривожланишини, лекин уларнинг катта қисми эпителиал тўқималардан келиб чиқишини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикасида 2020–2024 йиллар давомида ёмон сифатли ўсмалар билан касалланиш барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди (6116 ҳолатдан 7871 ҳолатгача).



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI


2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740


Касалланишнинг энг юқори даражаси 50–64 ёш оралиғида кузатилиб, бу давр онкологик касалликларнинг клиник-эпидемиологик чўққиси сифатида баҳоланди.

3. 2020-2024 йилларда гендер таҳлил аёллар улушининг устунлигини кўрсатди (63,7–65,0%), айниқса 20–64 ёш оралиғида бу фарқ яққол намоён бўлди. Бироқ статистик жиҳатдан ушбу фарқ ишончли аҳамиятга эга бўлмади ($P>0,05$), бу эса касалланишнинг асосий хавф омиллари умумий эканлигини тасдиқлайди.

3. Онкологик касалликларнинг анатомик тузилиши таҳлили уларнинг асосан эпителиал тўқималардан ривожланишини ва энг кўп соҳаси оғиз бўшлиғи, юқори ва пастки нафас йўллари ва жинсий органлар эканлигини кўрсатди.



1-расм. 2020-2024 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси рўйхатга олинган ёмон сифатли ўсма касалликлари билан касалланиш даражаси (мутлоқ қиймат)




2-Расм. Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда рўйхатга олинган ёмон сифатли ўсма касалликларининг ёш ва жинс бўйича таҳлили (мутлоқ қиймат).



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740



3-Расм. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда рўйхатга олинган ёмон сифатли ўсма касалликларининг ёш ва жинс бўйича таҳлили (мутлоқ қиймат).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Arnold M, Morgan E, Rungay H, et al. Current and future burden of breast cancer: global statistics for 2020 and 2040. *Breast*. 2022;66: 15-23. doi:10.1016/j.breast.2022.08.010
2. Bray F, Laversanne M, Sung H, Ferlay J, Siegel RL, Soerjomataram I, Jemal A. Global cancer statistics 2022: GLOBOCAN estimates. Lyon: IARC; 2022.
3. Ferlay J, Colombet M, Soerjomataram I, et al. Cancer statistics for the year 2020: an overview. *Int J Cancer*. 2021;149(4):778-789. doi:10.1002/ijc.33588
4. Ferlay J, Ervik M, Lam F, et al. eds, Global Cancer Observatory: Cancer Today (Version 1.0). //International Agency for Research on Cancer; 2024. Accessed February 1, 2024. <https://gco.iarc.who.int/today>
5. Hill W, Lim EL, Weeden CE, et al. Lung adenocarcinoma promotion by air pollutants. *Nature*. 2023;616:159-167.
6. International Agency for Research on Cancer (IARC). GLOBOCAN 2022: Estimated cancer incidence, mortality and prevalence worldwide. Lyon: IARC; 2022.
7. Soerjomataram I, Cabaasag C, Bardot A, et al. Cancer survival in Africa, Central and South America, and Asia (SURVCAN-3): a population-based benchmarking study in 32 countries. *Lancet Oncol*. 2023;24(1):22-32. doi:10.1016/s1470-2045(22)00704-5
8. Sun K, Lei L, Zheng R, et al. Trends in incidence rates, mortality rates, and age-period-cohort effects of female breast cancer—China, 2003–2017. *China CDC Wkly*. 2023;5(15):340-346. doi:10.46234/ccdcw2023.065



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

9. Sung H, Ferlay J, Siegel RL, Laversanne M, Soerjomataram I, Jemal A, Bray F. Global cancer statistics 2020: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. *CA Cancer J Clin.* 2021;71(3):209–249.
10. World Health Organization. Cancer prevention and control: WHO report on cancer burden. Geneva: WHO; 2021.
11. World Health Organization. Global cancer statistics 2022: Cancer Fact Sheet. Geneva: WHO; 2022.